



## ТУРКИЙ “НАЗМИ АҚОИД” АСАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Мусабоев Комрон, ТДШУ Матншунослик ва адабий  
манбашунослик 1-курс магистранти

**Аннотация** Юртимиз бой фондларида нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар кўплаб нусхада сақланиб келинмоқда. Уларнинг орасида ҳали атрофлича ўрганилмаган қисми ҳам талайгина. Бу эса соҳа мутахассисларининг олдида масъулиятли вазифа турганини англата олади. Мақоламиз объекти бўлган “Назми ақоид” асарининг қўлёзма нусхалари ҳам шулар жумласидандир.

**Калит сўзлар:** “Назми ақоид”, Абу Ҳафс Умар Насафий, “Ақоидун Насафийя”, туркий, лексик-семантик.

Асар қўлёзмаси матнининг бизгача етиб келишида ҳисса қўшган кишилардан бири Мақсудхон Шошийдир (ваф. XX аср боши). Бу киши асарни 1907 йилда бир неча тошбосма нусхаларда чоп эттирган. Ушбу тошбосма нусхалар ҳозирда ЎзР ФАШИ Ҳамид Сулаймон фондида сақланади<sup>1</sup>.

Олимлар мазкур асарнинг ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 4 та нусхаси устида маълум ишларни олиб борган.

XX асрнинг охирларида ушбу қўлёзма билан А.Носиров (1899-1987) шуғулланган ва асарнинг баъзи қўлёзма нусхаларининг муқовасида ўзининг баъзи қайдларини қолдирган.

А. Носиров ушбу асарнинг Алишер Навоийга эмас, балки Машхур таҳаллусли муаллифга тегишли экани тарафдори бўлган.

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ, Ҳ.Сулаймон фонди. Тошбосмалар: № 256, 1790, 2885, 6113, 9950, 21078.

А.Носировнинг асар юзасидан изланишлари охирига етган деб бўлмайди. Машхур тахаллусли муаллиф кимлиги масаласи очик қолади ва унга етарлича изох берилмайди.

Яна бу борада О.Мадалиеванинг тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир<sup>2</sup>. О.Мадалиева туркий “Назми ақоид” асарининг Алишер Навоийга (1441-1501) нисбат берилиши ва ушбу мавзуда қилинган ишлар юзасидан маълумотлар келтиради ва айти мавзуга доир ўзининг баъзи карашларини келтириб ўтади. О.Мадалиева ўзининг мақоласида бу ҳақда шундай деб ёзади:

“А.Носиров “Назми ақоид” асарини “Машхур” тахаллусли киши ёзган<sup>3</sup> дейди. Бу хулоса кишини мушоҳадага ундайди. Тадқиқот жараёнида “Тазкираи Қаюмий” ва бошқа бир қанча каталогларни қараб чиқдик, аммо уларда “Назми ақоид” асари ҳақида ҳам, Машхур тахаллусли (ёки исмли) шоир номи зикр қилинганини кўрмадик. Яна бирор шоирнинг “Машхур” тахаллусида ижод қилиши нокамтарлик бўлиб, шарқона анъаналарга мос келмаслигини ҳам ёддан чиқармаслик керак, деб ҳисоблаймиз”<sup>4</sup>.

Бундан ташқари “Назми ақоид” асари устида мустақил тадқиқотчи Абдурахмон Латипов ҳам изланишлар олиб борган. Хусусан у асар ҳақида ёзган бир мақоласида қуйидагиларни зикр қилиб ўтади: “Мақолада Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг “Ақоид ун-Насафий” асарига битилган назмий шарҳ “Назми Ақоид” асарида ишлатилган айрим зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган”<sup>5</sup>.

Гувоҳи бўлаётганингиздек, тадқиқотчи асарни ақида илмида машхур бўлган Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоидун Насафийя” матнига ёзилган шарҳ деган фикрни илгари сурган. Лекин биз ҳаволасини келтирган мақолада

<sup>2</sup> О.Мадалиева. Навоийга нисбат берилган асар. Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами.

<sup>3</sup> Қаранг:9209, 11946 ашё рақамли қўлёзмаларнинг муқовага ёпиштирилган биринчи жилди. 9950 ашё рақамли тошбосманинг бошидан муқованинг ички тарафи ва охиридан муқовага ёпиштирилган варақлар.

<sup>4</sup> О.Мадалиева. Навоийга нисбат берилган асар.

<sup>5</sup> <https://interonconf.org/index.php/ger/article/view/11642>

бу мавзуда бирор сўз юритмаган. Ушбу фикрнинг ҳақиқатдан анча йироқ эканлигини исботлаш учун “Ақоидун Насафийя”нинг асл матни билан туркийда ёзилган “Назми ақоид” асарини солиштириб кўришимиз етарлидир. Одатда ақида ёки фикр фани бўлсин бирор бир китобга шарҳ ёзаётган шорих шарҳлаётган матнини яхлит ҳолда ё бўлмаса жумлама- жумла келтириб шарҳлайди. Баъзи ўринларда араб тилидаги сўзлар қандай маънони билдиришини айтиб кетади. Лекин “Назми ақоиднинг” ёзилиш тарихида бу ҳолатларнинг бирортасини кўрмайсиз.

“Назми ақоид” асари муаллифи ўз назмини машҳур ҳамсанависларнинг номлари қатнашган қуйидаги байтлар билан якунлайди:

Махзанул Асрор деди Ганжавий,  
Матлабул Анвор деди Дехлавий.  
Тухфатул Аҳрор деди Қутби Жом,  
Ҳайратул Аброр Амири киром.  
Назми ақоид деди Машҳур маст  
Ким, анга тақдир эди рўзи аласт.

Агар асар ақида илмидаги машҳур матнлардан бири бўлган “Ақоидун Насафийя”нинг шарҳи бўлганида муаллиф назм охирида ақида уламолари ёки машҳур матнларини эслаб ўтган бўларди деб ўйлаймиз. Ҳамсанависларнинг тилга олиниши ҳам “Назми ақоид” асари “Ақоидун Насафийя”нинг туркий шарҳи деган фикрни ҳақиқатдан йироқ эканилигига яна бир далил бўла олади.

Қолаверса, муаллифнинг ўзи ҳам, асарни китобат қилган хаттотлар ҳам асарнинг “Ақоидун Насафийя”нинг таржима ёки шарҳи эканига бирор ишора берилмаган. Агар “Назми ақоид” ҳақиқатда “Ақоидун насафийя”нинг шарҳи бўлганида албатта бунга бирор ишора берилган бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, “Ақоидун насафийя” асари ақида илмида энг машхур матнлардан<sup>6</sup> бири бўлиб, унга шарҳ ёзган шорихлар Насафийнинг ёки унинг *ташриф қозоғи* ҳисобланмиш “Ақоидун насафийя” номини асарларида зикр қилишни ўзларига шараф деб билишади.

Шундай бўлса-да, биз тадқиқотчи А.Латиповнинг ишида асосий мавзу туркий “Назми ақоид” асарининг лексикологик хусусиятлари эканини мушоҳада қилишимиз ва шу жиҳатдан тадқиқотчининг айбламаслигимиз мақсадга мувофиқ бўлади. “Ақоидун Насафийя” асарининг машхур бўлгани ва унга жуда кўплаб шарҳлар ёзилгани тадқиқотчини шундай ўйлашга ундаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Нима бўлганда ҳам туркий “Назми ақоид” асари ҳали қизгин тадқиқот жараёнида. Келажак илмий изланишлар бизни асарнинг асл муаллифи ҳақидаги маълумотларимизни ойдинлаштиради деган умиддамиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 9209 ашё рақамли қўлёзма.
2. ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 13285 ашё рақамли қўлёзма.
3. ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 11946 ашё рақамли қўлёзма.
4. ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 12344 ашё рақамли қўлёзма.
5. ЎзР ФА ШИ, Ҳ. Сулаймон фонди. Тошбосмалар: № 256, 1790, 2885, 6113, 9950, 21078
6. О.Мадалиева. Навоийга нисбат берилган асар. Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами.
7. Абу Ҳафс Умар Насафий. Ақоидун Насафийя.
8. <https://interonconf.org/index.php/ger/article/view/11642>

---

<sup>6</sup> Ақида илмида кўплаб асарлар ёзилган, бўлиб уларнинг ичида толиби илмларнинг ёд олишига қулай қилиб мухсатар ва қисқа шаклда яратилган тўрт матн машхур бўлиб кетган. “Ақоидун Насафийя” ҳам уларнинг бири ҳисобланади.